



Tadqiqot uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№22

30 ноябрь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
23 - ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
22-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-23**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
22-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-23**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)

КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 22-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 12 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8. Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9. Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11. Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14. Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15. Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16. Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17. Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18. Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19. Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20. Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21. Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

| | |
|---|---|
| 1. Дилшод Рахмонов докторант, Рустам Мурадов АДИР ЕРЛАРДА ЭРОЗИЯГА ҚАРШИ СУВТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ. | 7 |
| 2. Даниярова Ф.Б АГРАР СОҲАДА КЛАСТР ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ. | 9 |



АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

УЎТ:631.6 АДИР ЕРЛАРДА ЭРОЗИЯГА ҚАРШИ СУВТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ.

*Дилишод Рахмонов докторант,
Рустам Мурадов, т.ф.д, профессор
E-mail: draxmonov2019@gmail.com,
Тел: 901874210*

*Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш
мухандислари институти*

Аннотация. Ўзбекистон Республикасида 1,4 млн.гектар адир ерларни ташкил этса, улардан суғориладигани 600 минг.га, қолгани шартли суғориладиган майдон бўлиб, 0,007 дан 0,25 нишабликдан иборат. Ҳозирги вақтда ўртача бундай ҳудудда суғоришдан олдин тупроқлар ювилиши бир йилда 51т/га, таркибида озиқ бўладиган унсурлардан улар: гу-мус 590 кг/га, азотдан ва фосфор -50 ва 82 кг/га, калий 140 кг/га, кичик унсурлар 33 кг/га ни ташкил этади. Улардан ҳозирги вақтда 600 минг.га кучли ювилган тупроқлар-39 минг.га, ўртача ювилган-215 га ва кучсиз ювилган тупроқлар -346 минг.га ни ташкил этади. Тупроқнинг ювилиши нотугри суғориш оқибатида 28-47 % ялпи йиғма ҳосилдорлик экин майдонларида камаяди. Эрозияга яъни сув ювилишига қарши дала тажриба ишида зигсагсимон суғориш, К9 препаратидан фойдаланиб суғориш оркали сув игтисоди 45-50 фоизгача тежалди.

Калит сўзлар: тупроқлар ювилиши, нишабли ерларни намлантириш, эрозияга қарши, кучли ювилган тупроқлар, зигсагсимон суғориш, К9 ёрдамида суғориш

Далага кам сувни йўқотилиши натижасида сувдан фойдаланиш самарадорлиги 36-64 % ни ташкил этди. Ишлов бериш усулларида бирлаштирилган асосий ва ёрдамчи экинларни ўстириш, адир ерларида тупроқнинг актив қатламини химоя қилиш билан бирга, умумлаштирилган моҳиятларда жами ишлов бериш, табиий фойдаланиш тадқиқотларнинг ҳалқ хўжалиги соҳасида муҳимлиги аҳамиятга эгадир. Тошкент вилояти Зангиота туманида 2019-2020 йиллар мобайнида Зангиота Сув истеъмолчилар уюшмаси ҳудудидаги “Диёра фэйз гулшани” фермер хўжалигининг 5 гектарли галла майдонида олиб борилди, бунда кузги бошоқли дон экинлари учун жўяк олиб (зигсагсимон) эгатда т.ф.д проф.М.Хамидов тавсияси асосида ўрганилди. Жўякли эгатда кесиш қоидаси майдондаги горизонтал эгат (кесиш)га асосланиб ташкил этилганки, нишаблик бўйича зигсагсимон эгатда трактор ҳаракатланишидан олдин чизиклар бўйича горизонталлар бўйлаб, бир-бирига боғланган кўринишда олиниб, шундан сўнг эса нишаблик бўйича дала эгатларда 2; 2,5; 3 м масофада, эгатларда қаторлар оралиғи 1,4 м дан қилиб, кетмон ёрдамида боғлаб чиқилди. Шундан сўнг ноябр ойи охирида буғдой экилиб, майсалаш учун қўшимча суғоришлар талаб этилмайди, аммо кузги-қишки ёғинларда юқори даражада фойдаланилдики, эгатлардаги кесиб олингани каби, энг катта 0,07-0,12 нишаблик бўйича ёғинлардан олдин сувлар оқими ҳосил бўлади. Горизонтал эгатнинг майдони ҳисобига ёғинлардан сувлар оқими жўякли эгатларда тўлиғича намни ўзига сингдирди. Майсалаш ва гуллашдан атмосфера ёғинлари ҳисобига тупроқ намлиги бўйича сувнинг ўзига сингдириш кўрсаткичлари ва суғориш техникаси элементларида ўлчамлари аниқлангандан сўнг суғоришлар олиб борилди. Буғдойнинг “Крошка” Россия навининг сувга бўлган талабига мувофиқ энг катта бўлган нишабликда суғориш бўйича назоратда ва суғоришдан олдинги намлик жўякли эгатларда қаторлар



оралиғида тупроқ намлиги наъмуна учун назоратга олинди. Суғоришлардан сўнг ривожланиш босқичидаги суғориш схемалари аниқланди. Турли нишабликлар учун ва хўжалик тупроқлари учун қулай техника элементлари катталиклари тупроқларни тенг намлантириш учун 0,07-0,13 нишабликда юқори даражада фойдаланиш ва экин турлари учун суғориш меъёрлари ишлаб чиқилди ва шунингдек кузги бошоқли дон экинлари шулар жумласидандир. Тупроқ таркибий сифатларини К-9 полимери ёрдамида тажрибада синаш. Бу усулда олим, т.ф.д профессор Камбаров Б.Ф. тавсиясига асосланиб иш олиб борилди, суғоришнинг бу тури 500 метрли адир майдонларда суғориш ҳам ўз натижасини берди. Суғориш эрозияга қарши фермерлар тажриба майдонида қўлланилиб, ҳар гектар ерда ҳосилдорлик 30-40 центнердан 45-48 центнергача ҳосилдорликка эришилди. К-9 полимери 1:10 ҳажмдаги муносабатда сув билан ва эгатлар юзасида пуркагич ёрдамида ташиб кўпайтирилганидан сўнг, эгатлар юзаси сувга чидамли агрегатларни кўтариш ҳисобига Г.И.Павлова усули билан 1: 1-0,25; 0,25 ммдан кўпроқ фракцияда тупроқ оғирлигидан % ҳисобида, агар ҳақиқий ҳолатда 7-12% ни ташкил этса, тупроқ полимер билан ишлов берилгандан сўнг 32-35% гача, шундай сифатда эгатлар юзаси агрегатлар ҳисобига ва эгат юзасининг ғадир-будирлиги ортада, қайсики инфилтрация (сувнинг тупроққа шимилиши) га ва ёнма-ёнлама эгатлар орасидаги намланиш кўтарилади. Бу эгатларда сарфлар ошишига, уларнинг узунликлари ораликдаги ўқ ариқли эгатда 0,07-0,12 тик нишабликдаги майдон ўртасида уларнинг узунлиги чўзиш давом этилади. Тажрибалар буғдойнинг “Крошка” нави усимлиги фенологик кузатишлар остида, шунингдек ҳосилни йиғиб олиниб, буғдойнинг таркибидаги оксил ва крахмал таҳлил қилиниб, ўрганилди. Фермер хўжаликларида суғориладиган ер ҳолатини эколого-мелиоратив яхшилаш, сув ювилишини олдини олиш ва сувни меъёрий кўрсаткичларида илмий тадқиқотларни тараққий эттиришдан иборатдир. Ишлаб чиқилган янги технологиядан фойдаланиш эгат билан суғориш техникаси элементлари ўлчамларига аниқлик киритиш, сув иктисоди 40-45 фоизга тежалди, ер ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини 7-12% га кўтариш билан яқунланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М.Хамидов, И.Бегматов ва бошқалар, Сув тежамкор технологиялари, Т.ТИМИ, 26-45 бетлар, Тошкент-2015 йил
2. Мелиорация. Қарши Мухандислик Иктисодиёт институти. (Маърузалар матнлари туплами). 17-19 бетлар, Қарши 2004 йил
3. Камбаров Баҳадир Фаттоҳович. “Противоэрозионная и водосберегающая техника и технология орошений земель в предгорной зоне Узбекистана”.- Диссертация, Ташкент 1994 г.



АГРАР СОҲАДА КЛАСТР ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ.

ЎЗМУ докторанти Даниярова Ф.Б

Анотация. Мамлакатимиз аграр соҳасига кластр тизимини киритиш - қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва янгича инновацион технологияларни қўллаш орқали самарадорликни оширишдир.

Калит сўзлар. Кластр, инновацион технологиялар, “ТСТ Agrocluster” кластери.

Мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилиш, унга бозор механизмлари ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кластер усули йўлга қўйилди, экин турлари замон талабидан келиб чиқиб ўзгартирилди. Натижада ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам ошмоқда.

Юртимизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 66 та мамлакатга экспорт қилинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Унга мувофиқ, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида мева-сабзавот кластерлари ташкил этилмоқда. 2019 йил 11 декабрда бу борада Президент қарори қабул қилиниб, барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратиб берилди. Ўтган қисқа вақтда ҳокимликлар томонидан 86 та шундай кластер ташкил этиш бўйича таклифлар шакллантирилди.¹

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, барча соҳаларда кластер тизимини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Дарҳақиқат, нефть, газ, химия, биотехнология, фармацевтика, информатика, автоқурилиш, транспорт-логистика, рекрецион-туристик, озиқ-овқат, таълим, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, ипакчилик ва бошқа соҳаларда кластер тизимларини яратиш илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштириш ҳажмини кўпайтиради, сифатини яхшилайтиди, илмий тадқиқот ишларининг техник таъминоти даражасини юксалтиради².

Кластер тизимининг афзаллиги нимада? У хомашё эмас, балки давлат учун ҳам, ишлаб чиқарувчи учун ҳам фойдали бўлган тайёр маҳсулотларни сотиш ва экспорт қилиш имконини беради. Кластер тизимининг яна бир афзаллиги шундаки, корхоналар ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан эркин фойдаланади ҳамда барча ходимларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда нархлар ва сотиш ҳажмини мустақил белгилайди. Маҳсулот сифати учун хомашё тайёрловчилар ҳам, қайта ишловчилар ҳам масъул, негаки, сотилган маҳсулотдан ҳосил бўлган қўшилган қийматнинг бир қисми умумий жараёнга ҳисса қўшган барча ишчилар ўртасида тақсимланади. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида иш ўринлари ҳам яратилади.

Бугунги кунда республикада 2020 йилда жами 96 та пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластрлари фаолият юритмоқда. Шундан Тошкент вилоятида хорижий инвестиция жалб этган кластерлар 6 та агросаноат корхонаси ташкил этилган.

Тошкент вилоятида жойлашган пахта-тўқимачилик кластерлари³

| № | Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари | Туманлар номи | Пахта майдони, гектар, га |
|---|--|---------------|---------------------------|
| 1 | “Oqqorgon Agro Cluster” МЧЖ | Оққурғон | 5407,0 |
| 2 | “АРК Бекобод” МЧЖ | Бекобод | 12000,0 |
| 3 | “АРК Бўка” МЧЖ | Бука | 12131,0 |

¹ <http://uza.uz/oz/politics/klasterlar-faoliyatini-rivozhlantirish-masalalari-mu-okama-i-04-02-2020>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев . Олий Мажлисга Мурожатномаси .Халқ сўзи газетаси. 25.01.2020

³ <https://uzts.uz/uz/pahta-toqimachilik-klasterlari/>



| | | | |
|------|-------------------------------------|---------------------|---------|
| 4 | “ТСТ Agro Clustr”МЧЖ | Кўйичирчик | 10000,0 |
| 5 | «Textile Technologies Group» ХК МЧЖ | Чиноз | 6200,0 |
| 6 | “Kokcha Tekstil”МЧЖ | Ўртачирчик, Янгийўл | 9270,0 |
| Жами | | | 55008,0 |

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари томонидан 2020 йилда 906 313 гектар ер майдонига пахта хомашёси етирилади. Бу Республикадаги пахта хом ашёси етиштирадиган умумий ер майдонинг 87,7 %, ташкил этади. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари пахта хом ашёси етиштириш даврида илғор замонавий инновацион технологияларни жалб этган ҳолда пахта ҳосилдорлигини кўшимча 10 центнерга оширади.

Нега айнан пахтачиликда? Деган савол туғилиши табиий. Пахта маҳсулоти қишлоқ хўжалиги соҳасида тайёрланадиган ялпи маҳсулотнинг деярли ярмини ташкил этади. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, пахтачиликда ишга солинмаган катта имкониятлар ва ҳал этилмаган масалалар мавжуд. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари орасида пахта хом-ашёси етиштириш энг паст рентабелликка эга эканлигини айтиш мумкин. Ғўза ҳосилдорлиги бўйича республикамизда эришилган кўрсаткич пахта экувчи бошқа мамлакатлар билан солиштирганда анча паст. Аммо таҳлиллар, суғориладиган пахта майдонларининг ҳар бир гектари ҳосилдорлигини кўтариш учун улкан имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Пахта хомашёсини ишлаб чиқаришнинг самарадор усуллари излаш зарурати яна шу билан изоҳланадики, Ўзбекистон шпроитида ернинг маҳсулдорлиги имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаган. Ўзбекистон ва ривожланган хорижий мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигидаги айрим кўрсаткичлар таққосланса, бу яна бир бор ўз тасдиғини топади. Масалан, 16 миллион киши истиқомат қилувчи ва 1,038 миллион гектар экин майдонлари (унинг ҳам 60 фоизи денгиз яқинида ўзлаштирилган ерлар) бўлган Голландияда 131миллиард долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган ҳолда, 32 миллионлик аҳолиси ва 4.4 миллион гектарлик экин майдонларига эга Ўзбекистонда эса. Бу кўрсаткич бор-йўғи 13,2 миллиард долларни ташкил қилади. Ўзбекистонда пахта хомашёсининг асосий истеъмолчиси тўқимачилик саноати бўлиб, у республиканинг санот комплексида муҳим ўрин тутди. Бундан келиб чиқиб, тўқимачиликнинг ривожланиши ҳам пахтачилик соҳасининг ҳолатига бевосита боғлиқ¹.

Қуйи Чирчиқ тумани ўз номига монанд вилоятнинг энг чекка, пасткамроқ ҳудудида жойлашган. Шунинг учун қўшни ва атрофдаги туманларнинг ер ости сизот сувлари сизиб келиб, шу ерда тўпланади. Ушбу омиллар боис туман ерлари захкаш ҳисобланади. Баъзи ҳудудлардан 1,5-2 метрдан сув чиқади. Мавжуд шароитдан келиб чиқиб таҳлил қилинса, ҳудудда шолчилик, балиқчилик соҳалари бирмунча натижа беради. Аммо пахта ва ғалла бўйича туманда мутгасил қоқоқлик кузатилган. Бундан 12 йил аввал, пахтачиликда илк бор режа адо этилган бўлса, шундан буён туман қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида орқада қолаётган эди, ўтган йили туман пахтачилик бўйича режани вилоятда биринчи бўлиб бажарди. Хусусан, “ТСТ Agrocluster” кластерининг саъй-ҳаракати билан 2019 йилда жами 30 минг 13 тонна пахта хомашёси етиштирилиб, давлат шартномавий режаси 111 фоиз бажарилди. Ўртача ҳосилдорлик гектарига 32 центнерни ташкил этди.

¹ М.А.Раҳматов, В.З.Зарипов “Кластер – интеграция. Инновация ва иқтисодий ўсиш”.Zamin Nashr Тошкент-2018.23-246



ҚуйиЧирчиқ “Cotton Tekstel Klaster”даги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | 2017 | 2018 | 2019 |
|-------------------------------------|------|-----------|------------|
| Пахта майдони (га) | | 10000 | 10000 |
| Ҳосилдорлик (ц/га) | | 12 | 30 |
| Ялли ҳосил (тонна) | | 12000 | 30013 |
| Ялли маҳсулот қиймати (млн. сўм) | | 42.000000 | 135.058500 |

Юқорида ТСТ Кластернинг иқтисодий самарадорлигида 2018-2019 йил 2 йилда 10000 гектар майдондан олинган ҳосилдорлик биринчи йил 12 центнер олинган бўлса, кейинги йилда 30 центнерга ошганлигини кўриш мумкин. Ялли ҳосил 2018 йилда 12 минг тонна олинган бўлса, ялли ҳосил эса 2018 йилда 12 минг тонна олинган бўлса, 2019 йилда 18013 баробарга ошганлини, маҳсулот қиймати миллион сўмдан 135 миллиондан ортиқроқ миқдорга кўпайганлигини кўриш мумкин.

Умуман олганда кластер тизимининг афзаллиги, у хомашё эмас, балки давлат учун ҳам, ишлаб чиқарувчи учун ҳам фойдали бўлган тайёр маҳсулотларни сотиш ва экспорт қилиш имконини беради. Кластер тизимининг яна бир афзаллиги шундаки, корхоналар ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан эркин фойдаланади ҳамда барча ходимларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда нархлар ва сотиш ҳажмини мустақил белгилайди. Маҳсулот сифати учун хомашё тайёрловчилар ҳам, қайта ишловчилар ҳам масъул, негаки, сотилган маҳсулотдан ҳосил бўлган қўшилган қийматнинг бир қисми умумий жараёнга ҳисса қўшган барча ишчилар ўртасида тақсимланади. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида иш ўринлари ҳам яратилади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кластерларнинг шаклланиши минтақаларнинг фаол ривожланишига ва минтақалараро интеграциянинг чуқурлашувига ёрдам беради. Кластер муайян ҳудудга «боғланади» ва унинг ресурс салоҳиятига таянади. Бир минтақадаги номдош кластер шаклан ва мазмунан бошқа ҳудуддаги номдош кластердан фарқ қилади. Шу нуқтаи назардан ҳам кластерлар ноёб иқтисодий тузилмалар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. М.А.Рахматов, В.З.Зарипов “Кластер – интеграция. Инновация ва иқтисодий ўсиш”. Zamin Nashr Тошкент-2018.23-24б
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев . Олий Мажлисга Мурожатномаси .Халқ сўзи газетаси. 25.01.2020
3. <http://uza.uz/oz/politics/klasterlar-faoliyatini-rivozhlantirish-masalalari-muokama-i-04-02-2020>

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(23-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000